

У.Туев
2022 йил



Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Мустакиллик МФЙ худудида жойлашган Гойиб ота кабристонини мукаммал таъмирлаш ишлари

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Мустакиллик МФЙ худудида жойлашган Гойиб ота кабристонини мукаммал таъмирлаш ишлари
2	Буюртмачи	Фиждуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Фиждуон туман
4	Объект жойлашган ўрни	Фиждуон туман
5	Қатнашувшилар учун талаблар	Ободонлаштириш бошуармаси балансидаги Мустакиллик МФЙ худудида жойлашган Гойиб ота кабристонини мукаммал таъмирлаш ишлари
6	Тижорат таклифини тақдим этиш учун шартлар	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома
7	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Иш бажарилгач форма-5 га асосан тўлов амалга оширилади
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил март ойидан 2022 йил 30 - апрелгача
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажарилаётган вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Фиждуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси бюджет маблағлари хисобидан
11	Молиялаштириш манбаи	224 388 554 сўм

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Ғиждувон туман Ободонлаштириш

бошқармаси

Харид комиссиясининг раиси

У.Туев

2022 йил



**ҒИЖДУВОН ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА
КАРАШЛИ “МУСТАҚИЛЛИК” МФЙДА ЖОЙЛАШГАН “ФОЙИБ
ОТА” ҚАБРИСТОНИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Ғиждувон туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: **Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармасига карашли “Мустакиллик” МФЙда жойлашган “Фойиб ота” қабристонини мукаммал таъмирлаш ишлари.**

1.2.Танловнинг юкори қиймати— 224 388 554 (икки юз йигирма тўрт миллион уч юз саксон саккиз минг беш юз эллик тўрт) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Фиждувон туман Пахтакор кўчаси 40-уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибида, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эѓа бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт
- моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишли ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- техника хафисизлиги коидаларига риоя килиш талаблари ҳамда йўрикномалари
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов обьектига ўхшаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган ишлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- низом маблағи миқдори.
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар буйича нотугри бажарилган мажбуриятларнинг йуклиги тугрисидаги кафолат хати.

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рұксат этилади.

3.4.Куидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рұксат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатилиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.
Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайташиб олиш ёки ўзгаришиш киритиш хукуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибида жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибида ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибида давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибида ва муддатлarda шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатлariга ўзгаришишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиши учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатлariга ўзгаришишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгаришилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришиш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлari қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришилар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришиларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришиларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатлariда ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.